Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
12 март
ШАНБА

№ 20
(12.344)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

Вилоят ҳаёти

ҚИБРАЙ ТУМАНИ

ЯНГИ БИНО – ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти янги бинога кўчди. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича келгуси чоралар ҳақида"ги қарорига асосан қуриб битказилган замонавий бинода институт жамоаси фаолияти учун барча техник-ташкилий шароитлар муҳайё этилган.

Энди ФВВ таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, қутқарув хизмати ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг қутқарув тузилмалари қутқарувчиларини тайёрлаш, малакасини ошириш учун янада кенгроқ имкониятлар пайдо бўлди.

Тадбирда қидирув-қутқарув хизматлари ихтиёридаги техника воситалари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Файзи АБДУЛЛАЕВ.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

ЁШЛАР МАЛАКАСИ ОШИРИЛМОҚДА

Шаҳарлаги "Ўзбеккимёмаш" заводининг компрессор цехида токарлар ўртасида кўрик-танлов ўтказилди. Унда 30 ёшгача бўлган 10 нафар токарь иштирок этди.

Икки гуруҳга бўлинган танлов қатнашчиларига хом ашё танлаш, дастгоҳларни созлаш, иш жараёнида керак бўладиган махсус кийим ва асбобларни жойлаш учун 40 дақиқа вақт берилди. Белгиланган вақтда улар чизмада кўрсатилган қисмларни ясаш учун дастгоҳларни ишга туширдилар.

Кўрик-танлов якунига кўра, 1-ўринни компрессорлар ишлаб чиқариш цехи токари Ермек Мусулмонқулов, 2-ўринни асбобсозлик цехи ишчиси Сергей Акимов, 3-ўринни қозон пайвандлаш цехи токари Жумабой Маматкаримов эгаллашди.

Ғолиб ва совриндорларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Шохруҳ ҲАКИМОВ.

ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНИ

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Дўстобод шаҳридаги қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида "Ўқувчи-ёшлар орасида маънавий-ахлоқий тарбияни юксалтириш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликларнинг олдини олиш" мавзусига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Туман фаоллари, маданият ва маънавият марказлари ходимлари шу муҳим мавзуга оид фикр-мулоҳазалари билан қатнашдилар.

Шунингдек, тадбир давомида ёшларга таъсир қилувчи турли оқимларнинг олдини олишга оид устувор вазифалар белгилаб олинди.

Гўзал ТОШМАТОВА.

ОҲАНГАРОН ШАҲРИ

КОНСТИТУЦИЯНИ БИЛАСИЗМИ?

Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ёшларни Бош қомусимиз – Конституцияни янада чуқурроқ билиш, ҳукумат қарорларини ҳурмат қилишга ўргатиш мақсадида учрашув ўтказилди.

Жиноят ишлари бўйича туманлараро суди вакиллари, ҳуқуқ-тарғибот органлари ходимлари ҳамда шаҳар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ташаббуси билан уюштирилган учрашувда ёшларнинг жамиятда қонун устувор бўлишига эришишда фаол қатнашишлари, уларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, динга муносабатларини тўғри шакллантириш, иқтидорли ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш хусусида сўз борди.

Ирода МАҚСУДОВА.

ТАШАББУС – 2011

САЛОҲИЯТЛИЛАР КЎРИГИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг ҳар бир куни иқтисодиётимизни ривожлантириш, халқимизнинг яратувчилик ташаббусини авж олдиришга хизмат қилаяпти.

«Ташаббус – 2011» кўрик-танловининг куни кеча бўлиб ўтган вилоят босқичи бу жабҳада эришилаётган салмоқли натижаларнинг навбатдаги намойишига айланди.

Кўрик-танлов ғолиблари қимматбаҳо совғалар, дипломлар билан тақдирланди.

(Кўрик-танлов ҳақидаги батафсил ҳисоботни газетамизнинг навбатдаги сонида ўқийсиз).

НАВРЎЗ ТАДОРИКЛАРИ

ЎЗБЕКОНА ФАЗИЛАТЛАР БЎЙ КЎРСАТДИ

Она табиатимиз мўъжизаларга бой. Кечагина совуқдан жунжикиб, аёзлардан ҳориган жонлар бугун фаслларнинг эркаси – Кўкламойнинг илиқ-иссиқ нафасидан яйраб кетди, Янги кунни, Наврўзини қўмсаган баҳор қуёши бор тафтини унинг пойига тўшади. Бу кунлар қадрини қиши билан кетмонини чархлаб, эл ризқи ғамида Она замин қулоғига режаларидан сўзлаб, фурсат кутаётган Бободеҳқон жуда яхши билади. Энди унинг макони қадрдон даласи, баҳорги ишловларга муштоқ бўлиқ ерларида.

Халқимизнинг меҳнатсеварлиги, гўзаллик, орасталик, ободончиликка бўлган ҳаваси, иштиёқи баланд. Бундай бетакрор, ўзбекона фазилатлар, айниқса, кўклам келиши билан бўй кўрсатади. Ҳар ким ўз хонадони, иш жойи, маҳалласи, қишлоғи, шаҳрининг ободлиги учун жон куйдиради. Ҳовлиси, кўчасини ям-яшил боғга, гулу гулзорга айлантираётган қўли гул, диди ўткир, қалбию ошиёни покиза инсонлар ҳам бизнинг халқимиз, аслида. Шу кунларда энг азиз меҳмони – Наврўзи оламни кутиб олиш тараддудидаги ватандошларимизнинг ғайрат-шижоати, яратувчилик, бунёдкорлик иштиёқи тўлибтошган. Вилоятимиз бўйлаб кезиб чиқсангиз, бунинг гувоҳи бўласиз. Бир текисда ҳайдалиб, ариқ тортилган ерларга уруғ қадаётган деҳқонларни кўриб, бир энтикиб қўясиз: "деҳқоннинг куни туғди". Яшилликка бурканган тоза-озода кўчалар, хиёбонларни кўриб, баҳри дилингиз очилади.

Шундай ишларни тезроқ бажариш, Наврўз айёмини ёруғ юз билан кутиб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимининг фармойишларига биноан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизнинг шаҳар ва қишлоқларида ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш ойлиги, айнан 12-13 март кунлари эса умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилмоқда. Хайрия ҳашарининг мақсади, мазмунмоҳияти ҳам хайрли: ўзаро ижтимоий ҳамкорлик, беғараз ёрдам, меҳр-оқибат каби халқимиз табиатига хос эзгу фазилатларни тўлақонли намоён этиш, аҳоли турржойлари, кўча ва хиёбонларни, табаррук қадамжолар, қабристонларни ободонлаштиришдан иборат. Бу ишларда фаоллик кўрсатиб, бош-қош бўлаётган "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлимидан маълум қилишларича, ҳашар кунлари 2 миллиондан зиёд аҳоли, жумладан 1 миллион 400 мингга яқин ёшлар иштирок этади. 9234 гектар ер ободонлаштирилиб, 5921 километр ариқ, зовурлар тозаланади, 671 та зиёратгоҳ, қабристонлар ободонлаштирилади, 8741 тонна чиқинди чиқариб ташланади. Бу ишларни бажаришда зарур бўлган 1670 та техника воситалари қатнашади. Айниқса, кўкламзорлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилади. 1 миллион 543 минг 800 дона манзарали, 1 миллион 425 минг 200 дона мевали дарахтлар, 200 минг дона тут ва 2 миллион 620 минг 600 дона гул кўчатлари экилади. Шунингдек, 2 миллион 190 минг 200 та дарахтларга шакл бериб оқланади, 74 минг квадрат метр уй-жой ҳашар йўли билан таъмирланади. 3749 оилага мурувват ёрдами кўрсатилади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига асосан, ҳашар муносабати билан мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, муассаса ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчи хизматчиларнинг бир кунлик иш ҳақлари "Маҳалла" хайрия жамғармасининг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари ҳисоб рақамларига ўтказилиши белгиланган. Бу хайрия маблағлари маҳаллаларни ободонлаштириш ва инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш каби хайрли ишларга йўналтирилади.

Шу муносабат билан "Маҳалла" хайрия жамғармаси манзили ва ҳисоб рақамини эслатиб ўтамиз:

Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51- уй.

Тел.: 233-61-75, 233-15-86, 236-17-80. Х/р: 20212000500132942001, МФО 00987, ОАТБ "Қишлоққурилишбанк"нинг Тошкент вилояти минтақавий филиали, ИНН 200548395, ОКОНХ 98600.

АНЖУМАН

ОРОЛ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Сув – ҳаёт манбаи. Шундай десагу, гапимизнинг маъно-моҳиятини чуқур идрок қилмасак, ҳар томчи сувни эзозламасак, бу лоқайдлигимиз қандай оқибатларга олиб келишини ўйламасак, энг эзгу ниятларимиз ҳам сароб бўлиб қолаверади.

Саёрамиздаги энг қадимий сув ҳавзаларидан бири – Орол денгизи яқин-яқинларгача йириклиги жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринни эгалларди, бой табиий захиралари билан машҳур эди. Афсуски, бир авлоднинг кўзи ўнгида у қуриб, торайиб, атрофида чексиз қум сахролари пайдо бўлди.

Мустақиликка эришилгач, Орол экологик фожиасини тўхтатиш ва юмшатиш йўлида кенг кўламдаги ишлар бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Халқаро донорларни Орол ва Оролбўйи муаммоларини юмшатиш ишига жалб қилиш кучайди. Халқаро конференциянинг "Оролбўйи минтақасида иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш мақсадида амалга ошириш учун халқаро донорларга таклиф этилаётган мажмуавий ҳаракат дастури" кутилган самарани бера бошлади.

Давлатимиз раҳбари Халқаро жамғармага аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашувида юқоридаги муаммоларга лоқайд бўлмасликка чақириб, 2011-2015 йилларда амалга ошириладиган ишлар дастурининг концепциясини баён этди. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган "Минтақадаги сув ресурсларидан фойдаланиш муаммолари" мавзусидаги анжуманда уларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар тилга олинди. Асосий эътибор Амударё делтасида кичик сув ҳавзаларини яратиш, тўқайзорларни сақлаб қолиш, Оролбўйининг олис аҳоли манзилларида қуёш энергиясидан фойдаланиш борасида амалга оширилаётган бир қатор давлатлараро лойиҳаларга қаратилди.

Анжуман иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга мукаммал жавоб олишди.

Зулфия ҲУСАНОВА.

БУГУННИНГ ГАПИ

ТОЗА АРИҚДА СУВ РАВОН ОҚАДИ

энг муҳими – ҳозирги сув тақчиллиги даврида экиннинг жони-тани бўлган обиҳаёт исроф бўлмайди

Бўка туманининг 512 та фермер хўжалигига уюшган миришкор деҳқонлари бу йил 35 минг 500 гектар суғориб ҳайдаладиган майдонда турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришади. Кейинги пайтда ҳавонинг заҳри қайтиб, кунлар илий бошлаши билан доимий юмушини соғинган деҳқонлар ёппасига далага отланишди. Айнан ҳозир бажарилиши, бир кун ҳам кечиктириб бўлмайдиган ишлар эса етарли. Аввало, ҳозир кузги буғдойни иккинчи марта озиқлантиришнинг айни пайти. Олдиндан дала бошларига чириган қуруқ гўнг чиқариб қўйган деҳқонлар уни ғаллазорга сепишяпти. Бу тадбир ҳам тупроқда нам узоқ сақланиши ва ғалланинг тез чанқаб қолмаслигини таъминлайди, ҳам экинга куч бериб, ҳосилга ҳосил қўшади.

Сувни тежаш ва ҳар томчисидан самарали фойдаланишнинг кўпдан бери синалган ва ҳаммага маълум усули канал ва ариқларни эрта кўкламдаёқ тозалаб, сувнинг оқимини равон ва экинзорларга йўлини яқин қилишдир. Бўкалик ғаллакору пахтакор, сабзавоткору соҳибкор ҳозир айнан шу юмушлар пайида. Канал, зовур ва майда-йирик ариқларни тозалаш ишларига бор техника воситалари ҳамда фермер хўжаликлари аъзолари оммавий сафарбар этилган.

(Давоми 2-бетда).

15 МАРТ – ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Вилоят Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси маълумотларига қараганда, ҳудудий бирлашмаларга 2010 йил давомида истеъмолчилардан ёзма, оғзаки ва ишонч телефони орқали жами 433 та ариза-шикоят, мурожаатлар тушган бўлиб, унинг 381 таси, яъни 88 фоизи ижобий ҳал этилди.

МИЖОЗ МАНФААТИ УСТУВОР

134 истеъмолчининг ариза-мурожаатлари бўйича 33 миллион 337,1 минг сўм маблағлари ундириб берилди. Шундан ҳудудий бирлашма, туман ва шаҳар жамиятлари томонидан 114 та ариза бўйича 28 миллион 847,4 минг сўм, суд орқали эса 20 та ариза бўйича 4 миллион 489,7 минг сўм пул истеъмолчиларга қайтарилди.

Истеъмолчиларнинг ариза-шикоятлари асосида 2010 йил давомида 1049 та мониторинг кузатувлари ўтказилди. Уларнинг 746 таси ҳудудий бирлашма ва туман, шаҳар жамиятлари томонидан, 303 таси эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ҳамкорликда ўтказилди. Ариза-шикоят ва мониторинг натижаларига оид 56 та ҳолат бўйича ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва давлат назорати органларига маълумот ва чора кўриш учун юборилди.

Янгийўл тумани Ўзбекистон станцияси ва У. Мусаев қишлоғи «Чангтепа» маҳалласида яшовчи бир гуруҳ газ истеъмолчилари ҳамда Чирчиқ шаҳар Баҳор кўчаси, 18-уйда яшовчи М. Ортиқованинг аризалари ўрганиб чиқилди ва қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли чора кўриш учун ҳужжатлар Янгийўл тумани ва Чирчиқ шаҳар прокуратураларига юборилди.

2011 йил январь, февраль ойлари давомида тушган мурожаатларнинг 88 фоизи ижобий ҳал этилиб, 18 та ариза-мурожаатлар бўйича 4 миллион 305 минг 791 сўм истеъмолчиларнинг фойдасига ҳал қилинди.

Қибрай тумани «Ўнқўрғон» маҳалласи, Охунбобоев кўчаси, 50-уйда яшовчи Ойдин Урозовадан пластик карточкасига 2010 йил август ойидан бери тушган пулларини олмагани тўғрисида ҳудудий бирлашмага шикоят тушган эди. Ариза ўрганиб чиқилиб, банкдан пластик карточкасига тушиши лозим бўлган 464 минг 969 сўм пул ва пластик карточкаси билан таъминланди.

Зангиота тумани Бўзсув қишлоғи «Янги турмуш» маҳалласи, Ўзбекистон кўчаси, 39-А уйда яшовчи Оқайбек Тасибаев ва Зангиота қишлоғи А. Комилов маҳалласи, Нодира кўчасидаги 27-уйда яшовчи Ориф Толипов ҳамда Оҳангарон тумани Сартамғали қишлоғида яшовчи Саврениса Туроповаларнинг газ ҳақини ҳисоблагич бўйича тўлаб келаётганига қарамай, катта қарздорлик келиб чиққани ҳақидаги аризалари ўрганилиб, истеъмолчилар ҳисобига 987 минг 191 сўм ундириб берилди.

Саид АҲРОРОВ.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ДАВРА СУҲБАТИ

ОҚСОҚОЛ БЎЛИШ ОСОНМАС

Бугунги кунда маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларни қарор топтириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят минтақавий ахборот-таҳлил марказида бўлиб ўтган давра суҳбати шу масалага бағишланди. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари, қонун ва амалиёт" мавзусидаги тадбирда Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, "Маҳалла" жамғармасининг шаҳар, туман бўлимлари вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, олим ва экспертлар иштирок этди.

Тадбирда оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари, сайлов тизимининг ташкилий жиҳатлари, маҳаллалар тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишда маҳалла органлари ва бошқа ташкилотларнинг ижтимоий шерикчилик тизимини мустаҳкамлаш масалаларига оид маърузалар тингланди.

– Оқсоқол шундай одамки, у халқ дарди билан яшайди, ўзгалар халовати йўлида ўз халоватидан кечади, – дейди фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази раҳбари Баҳодир Тоғаев. – Шундай экан ҳар ким ҳам оқсоқол бўла олмайди. Халқ ишониб, сайлаган одамгина бу масъулиятли вазифани адо этиши мумкин.

Тадбир давомида "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришда маҳаллаларнинг кўмаги хусусида таклифлар киритилди. Интерфаол усулда ўтган давра суҳбати савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Ирода НОРБОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

АНЪАНА

ҚАДРИ БАЛАНД ЎЗБЕК АЁЛИН

Ҳақиқатан ҳам шундай. Гарчи, 8 март – Хотин-қизлар куни халқаро миқёсда нишонланадиган байрам бўлса-да, бизнинг Ўзбекистонимизда Аёллар, Оналарни улуғлаш, эъзозлаш ўзгача мазмун, моҳиятга эга. Самимият, меҳр-муҳаббат балқиб турган нурли чеҳралар таърифи туганмас достондек жаранглайди. Ҳа, "Қадрлаган қадр топар" дейишади.

Аҳлу аёлини, онаси, ёри, қизларию сингилларини мадҳ этаётган отахонлар, ака-укалар, мард-жасур ўғлонларга боқиб эртанги кунимизнинг хайрли, қут-барокатли бўлишига ишончингиз ортади, кўнглингиз хотиржамлик, таскин, ҳаловатга тўлади.

Дил изҳорларимиз бежиз эмас. Байрам баҳона онахонлар, фаол хотин-қизларни Чирчиқ шаҳрининг муҳташам "Кимёгар" маданият саройига чорлаган вилоятимиз ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси меҳмонларга иззат-икром кўрсатишни, таъбир жоиз бўлса, жуда ўрнига қўйишди. Дастлаб, Ҳамза номидаги миллий академик драма театрининг таниқли актёрлари ижросидаги "Қирмизи олма" комедияси намойиши, "Нилуфар" кошонасидаги тўкин дастурхон, ажойиб концерт дастури аёлларимизга олам-олам қувонч бағишлагани шубҳасиз. Бу бежиз эмас. Тадбирга бошқош бўлаётган вилоят ҳокими, ўринбосарлару ходимларнинг ҳурмат, эътибори ҳар бир аёлнинг қалбига чироқ ёққанлиги айни ҳақиқат.

– Аёлларимизни ҳар қанча эъзозласак, улуғласак кам, – дейди вилоят ҳокими Рустам Холматов. – Улар жамият тараққиётининг, иқтисодиётимиз, ижтимоий ҳаётимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, оиласи, хонадонининг фаришталари. Нафақат вилоятимиз, балки мустақил Ўзбекистоннинг, азиз Ватанимизнинг фахри, ардоқли инсонларидир.

Тадбирда вилоятимиздан чиққан спорт усталари, халқаро турнирлар ғолиби, "Энг фаол йил аёли" ва бошқалар ҳокимликнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳуллас, байрам иштирокчилари, мезбонлару меҳмонлар таассуроти бир олам:

– Бугун ажойиб кун бўлди, – дейди оҳангаронлик онахон. – Спектаклни мириқиб томоша қилдик. Қадриятларимиз, урф-одатларимиз улуғланадиган дориломон кунларни кўрсатганига шукр. Худди, онагинамнинг сўзларини эшитгандай бўлдим-а!

– Бўстонликдан келганмиз, – дейди яна бир онахон. – Атрофимизда парвона бўлаётган ўғил-қизларим вилоят раҳбарлари, атоқли шоирлар, сенаторлар эканлигини билиб, кўзимга ёш келди. Илоҳим бизга кўрсатган ҳурматлари фарзандларидан қайтсин!

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.
Даврон АҲМАД
олган суратлар.

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

ОИЛАВИЙ БИЗНЕС – МУҚИМ ДАРОМАД МАНБАИ

Бугунги кунда оилавий тадбиркорлик мазмун-моҳияти, тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатидаги аҳамиятига кўра долзарб ҳисобланади. Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорлик катта аҳамиятга эга. Бунда бутун бир оилани муқим даромад манбаи билан таъминлаш орқали жамият ва давлат фаровонлигига ҳисса қўшиш имкониятлари мавжуд. Чунки, якка тартибдаги тадбиркорликда бир шахс шуғулланса, оилавий тадбиркорликда оиланинг бир неча аъзоси, бир неча оилалар бирлашмаси тадбиркорлик қилиш имкониятига эга бўлишади.

Оила ўзбек халқи учун қадимдан муқаддас даргоҳ бўлиб, унинг фаровонлиги, тинчлиги, келажаги учун доим катта эътибор берилган. Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида оилавий тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари тайёрлашни янги босқичга кўтариш, ташкилий-ҳуқуқий мақомини белгилашда ҳорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнеси қонуний белгилаб қўйиш вақти келди. Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Агарда самарали қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади. Аслида халқимиз қадимдан тадбиркорликни ташкил этишда оила аъзоларига таянган, уларнинг бевосита иштироки асосида ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш билан шуғулланиб келган. Шу боис, мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш ҳамда ушбу йўналишдаги тадқиқот ишларини жонлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятининг негизи ва мулкнинг шаклланиш ҳолати бирбиридан фарқ қилади. Якка тартибдаги тадбиркор мулк ҳуқуқи асосида фақат ўзига тегишли бўлган молк-мулк негизида, шунингдек, молмулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли фаолият кўрсатса, оилавий тадбиркорлик мол-мулки негизида умумий мулк асосида иш юритади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бир кўриниши сифатида оилавий тадбиркорлик тушунчасига бир қатор қонуности ҳужжатларида ҳам тўғри таъриф берилган. Жумладан, республика Вазирлар Маҳкамасининг "Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига илова тарзида тасдиқланган "Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низомда белгиланганидек, оилавий тадбиркорлик бу эр-хотин томонидан уларга умумий мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган мулк негизида амалга ошириладиган ҳамда эр-хотиннинг ва уларга ёрдам берувчи оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган, юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти туридир. Низомда оила аъзоларига эр-хотин, ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар ҳамда 15 ёшдан ошган, шу жумладан, фарзандликка олинган болалар кириши белгиланган.

Оилавий тадбиркорлик субъектлари ва ёрдам берувчи оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар оилавий муносабатларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилик принциплари, ўзаро ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам ва оила олдида барча аъзоларнинг масъулият ҳисси, боланинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бола меҳнатининг энг ёмон ва мажбурий шаклларига йўл қўймаслик, оила аъзолари томонидан ўз ҳуқуқларини тўсиқсиз амалга ошириш ҳамда бу ҳуқуқлар ҳимоясини таъминлаш асосида қурилади.

Оилавий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади. Унда якка тартибдаги фаолиятнинг оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширилиши, шунингдек, биргаликда тадбиркорлик қилувчи оила аъзолари кўрсатилади. Оилавий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат беруви ҳужжатларни расмийлаштиришда оилавий тадбиркорлик субъекти номидан эр-хотиндан бири улардан биттасининг нотариал тасдиқланган розилигига кўра иш кўради.

Оилавий тадбиркорлик жараёнида аъзолар ўртасидаги ўзаро меҳнат муносабатлари, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш ва даромадни тақсимлаш масалалари улар томонидан мустақил равишда тартибга солиб борилади. Аммо, оилавий тадбиркорлик субъектлари доимий ходимлар ёллаш ҳуқуқига эга эмас. Истисно ҳолларда оилавий тадбиркорлик қилишда вақтинча, бир марталик ишларни бажариш учун оила аъзолари ҳисобланмайдиган фуқаролар жалб этилишига йўл қўйилади. Бу ҳолда улар билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузилади.

Ҳорижий давлатларнинг тажрибаси асосида оилавий меҳнатни ташкил қилишнинг хусусиятларини қонунчиликда тадбиркорликнинг янги ва мустақил ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида "кичик оилавий корхоналар" мақомини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Республикамизда оилалар таркиби ва бундай шаклда меҳнатни ташкил қилишнинг афзаллигини назарда тутсак, оилавий бизнесни янада ривожлантириш ғоят истиқболли. Оилавий тадбиркорлик аҳолининг аксарият қисмини иш билан банд қилади, четга меҳнат ресурслари чиқиб кетишининг олдини олиб, улардан тўлиқ фойдаланиш имконини беради. Натижада оилавий мулкдорлар синфини шакллантириш, хусусий тадбиркорлик руҳи ва ғоясини амалга оширишга эришилади. Шу сабабли, бундай ҳолатда шартномали ҳуқуқий тартибга солиш асосида қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш уни ривожлантиришнинг истиқболли усули ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик шакли сифатида фуқароларнинг оилавий – меҳнат бирлашмасига асосланган, оилавий алоқадорлик ва биргаликдаги меҳнатни ўз ичига олган деҳқон хўжаликларида бундай келишув бўлиши шарт эмас. Ушбу ҳол, эр-хотин мулки мақомига ўхшаган ҳолда, деҳқон хўжалиги мулкига умумий биргаликдаги мулк ҳолатини белгилаш имкониятини яратади.

Б. КЕНЖАЕВ,
вилоят хўжалик
суди судьяси.

Қибрай туманидаги Байтқўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида умумтаълим фанлари бўйича олимпиада ўтказилди.

ОМАДЛИ БИЛИМДОНЛАР

Тадбирда тумандаги 8 коллежда 184 ўқувчи иштирок этди.

Билимлар синови фанлар юзасидан уч босқичда – тест синови, оғзаки саволжавоб ва ёзма ишлар шаклида бўлиб ўтди.

Байтқўрғон коллежи ўқувчилари ўзларини ҳар томонлама чуқур билимга эга эканликларини кўрсатиб, ғолиб бўлдилар. 7 ўқувчи вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Олимпиада ғолибларига вилоят касб-ҳунар таълими бошқармасининг эсдалик совғалари топширилди.

Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.

БУГУННИНГ ГАПИ

ТОЗА АРИҚДА СУВ РАВОН ОҚАДИ

Аслида, сув йўлларини тозалашга режа асосида киришилганига анча бўлди. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, Бўка вилоятдаги энг йирик туманлардан. Экин майдонлари ҳам шунга яраша. Бинобарин, туманлараро ва ички каттакичик ариқлар ҳам кўп. Эртароқ енг шимарилмаса, иккинчи ўғит билан ғалла суғориш ўртасидаги узилиш чўзилиб кетиши ҳеч гап эмас.

Тумандаги ўнг тармоқ каналидан сув олувчи Охунбобоев қўлоғидан бошланган 39 километрли канал 8000 гектар майдондаги экинларни сув билан таъминлайди. У бир сонияда 16 куб метр сув ўтказиш қувватига эга.

Хўжаликлараро 51 та каналнинг умумий узунлиги 322 километрга боради. Унинг туман ҳудудидаги 53 километр қисмини механизмлар ёрдамида тозалаш режалаштирилган эди. Айни кунларда бу иш якунланиш арафасида, яъни уч километрча жойи қолди холос.

161,4 километр узунликдаги ички сув тармоқлари механизмлар билан тозалаш режасига киритилган эди. Бугунгача, қарийб 110 километри тозалаб бўлинди. Бу жараёнда 4 та экскаватордан самарали фойдаланиляпти.

Ички майда ариқлардан 625,6 километрини фермер хўжаликлари аъзоларининг қўл кучи билан тартибга келтириш мўлжалланган бўлиб, 4550 сувчи ва дала ишчилари бу ишни ҳам уюшқоқлик билан охирига етказишмоқда.

Маълумки, сувни тежашда жойлардаги гидропостларнинг ўрни алоҳида. Ҳозиргача 112 та гидропостдан 106 таси мавсумга шай қилиб қўйилди.

Шунингдек, бу йил туманда 15 та янги гидроиншоот қурилди. Бир сўз билан айтганда, туманда бор сувдан тежаб-тергаб, самарали фойдаланиш учун мавжуд барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
Даврон АҲМАД
(суратлар)
"Тошкент ҳақиқати"
мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: сув йўлларини равон қилишдан ҳамма манфаатдор.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ПАРТИЯЛАР ҲАЁТИДАН

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Олмалиқ шаҳар кенгаши Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан тумандаги «Теракли» маҳалласида миллий каштачилик ва зардўзлик билан шуғулланувчи хотин-қизлар ўртасида давра суҳбати ўтказди.

ҲУНАРИ БОР ЭЛДА АЗИЗ

Унда партия фаоллари, депутатлар, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳамда маҳалла хотин-қизлари иштирок этишди.

Тадбирда 2011 йилда хотин-қизларнинг миллий каштачилик, зардўзлик ва касаначилик билан шуғулланишлари учун ЎзМТДП кенг имкониятлар яратиб бериш мақсадида зарур тавсия ва амалий ёрдам кўрсатишга тайёрлиги билдирилди.

ШАҲРИМИЗ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Бекобод шаҳар кенгаши партиянинг "Аёллар қаноти" ҳамда "Ёшлар қаноти" "Шаҳримиз обод бўлсин" мавзуида тадбир ташкил этди.

Унда шаҳар Экология бўлими ходимлари ҳам иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар шаҳар ҳудудини тоза, озода сақлаш, ҳаво мусаффолигини таъминлаш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишда ЎзМТДП депутатлик гуруҳи сиёсий ваколатларидан кенг фойдаланиш масаласи муҳокама этилди.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

БОСИЛМАГАН ХАТ ИЗИДАН

ҚОНУНИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Таҳририятга Бўстонлиқ тумани Хондайлиқ қишлоғи Чинор кўчаси, 9-уйда яшовчи фуқаро Султон Сайпалов газ таъминоти ва фойдаланилган газ тўловига оид муаммони ҳал этиб беришни сўраб мурожаат қилган эди.

Ушбу хат тегишли тартибда кўриб чиқиш учун "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонасининг "Бўстонлиқтумангаз" филиалига юборилиб, унинг директори И. Раҳмонов имзоси билан жавоб олинди. Унда маълум қилинишича, ариза мутахассислар иштирокида бевосита С. Сайпалов хонадонига бориб ўрганилган ва қуйидагилар аниқланган. Хонадон расман газлаштирилган бўлиб, 2003 йилда ўрнатилган G-4 русумли давлат рақами 07007277 бўлган газ ҳисоблагич муддати ўтиб кетган бўлишига қарамай, кўрикдан ўтказилмаган.

Шунингдек, ўлчагич механизмига завод томонидан ўрнатилган тамға бузилган.

Ҳозирги кунда С. Сайпалов хонадонидаги газ ҳисоблагич давлат қиёслов кўригидан ўтказилиб, қайта ўрнатиб берилди.

Хонадоннинг газдан аризада кўрсатилган қарзи қонуний ундириб олинди.

НАВРЎЗГА ТУҲФА

Янгиланиш фасли – баҳор кириб келган айни кунларда Юқоричирчиқ туманидаги 32-мактабда "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган меҳнат отрядлари миллий байрамимиз – Наврўз арафасида ногиронларнинг ҳолидан хабар олиб, "Мустақилликнинг 20 йиллигига – 20 туп кўчат" лойиҳаси доирасида мактаб ва хонадонлар, катта йўл четларига дарахт ўтказмоқда.

Ҳозиргача 1300 га яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Бундай меҳнат отрядларини тумандаги бошқа мактабларда ҳам ташкил этиш режалаштирилган.

Дилшод ОТАБОЕВ.

ОГОҲЛИК

ХОТИРЖАМЛИКДАГИ МЕҲНАТ БАРАКАЛИРОҚ

Кўнгилларимизга бир олам қувонч бағишлаб, юртимизга кўклам кириб келди. Бугун қуёшнинг чарақлаб чиқиши ўзгача. Қушлар хиргойисини айтмайсизми! Даласини айланиб, буғдой ривожидан кўнгли тўлган фермернинг мамнунлиги-чи?

Халқимиз меҳнаткаш, яратувчи, бунёдкор. Бу хислатимиз Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида янги куч, ўзгача интилишлар билан намоён бўлаяпти. Бизнинг Эшонгузар, Далигузар, Қаҳрамон қишлоқларимизда ҳам ҳар куни бир янгилик эшитиб, дилинг яйрайди.

Лекин ўзимизга ўзимиз маҳлиё бўлиб қолмаслигимиз керак. Унутмайликки, бугунги тинч, осуда ҳаётимиз ғанимлари ҳам йўқ эмас. Биз уларнинг кирдикорларига қарши ҳамиша огоҳ туришимиз лозим. Фақат шундагина турмушимиз тинч-осойишта, меҳнатимиз баракали бўлади. Буни унутишга ҳаққимиз йўқ.

Мусабек БЎРИБЕКОВ,
халқ таълими фахрийси.
Зангиота тумани.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА

Тошкент вилояти ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан вилоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2011 йил II чорак учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга танлов эълон қилади:

1. Сухари	14. Карам
2. Биринчи навли ун маҳсулотидан нон	15. Помидор, бодринг ва кўкатлар
3. Биринчи навли ун маҳсулоти	16. Сабзи
4. Иккинчи навли ун маҳсулоти	17. Лавлаги
5. Иккинчи тоифали гўшт маҳсулоти	18. Пиёз
6. Ярим дудланган колбаса маҳсулоти	19. Мевалар
	20. Қуритилган мевалар
7. Кефир	21. Сок
8. Сметана 30 %	22. Хамиртуруш
9. Творог 18 %	23. Сомон
10. Пишлоқ 45 %	24. Дудланган гўшт
11. Товуқ тухуми Д-1	25. Компот (консерваланган)
12. Томат пастаси 30 %	26. Пичан
13. Картошка	27. Арпа, сули

Танловда қатнашиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар: гигиена, сифат ва карантин бўйича сертификат, корхона низомидан нусха, паспорт нусхаси, лицензия ҳамда солиқ ва хизмат кўрсатувчи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома. Таклифларингиз 2011 йилнинг 28 март кунига қадар қабул қилинади. Қўшимча маълумотлар учун тел.: 150-94-64, 150-93-82, 236-27-70. Манзил: Тошкент ш., А. Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Тошкент вилояти ҳокимлиги, 3-қават.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ДОН – РИЗҚ-РЎЗИМИЗ

МАҚСАД – ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ

Ўртачирчиқ туманидаги "Сайрамобод" фермер хўжалиги 2011 йил ҳосили учун "Таня" галла навини экиб, 60 центнердан ҳосил олишни мақсад қилиб турибди.

– 2006 йилда 40 гектар ер олиб, иш бошлаган эдик, – дейди фермер Раҳимжон Хайруллаев. – Бугунга келиб еримиз 85 гектарга етди. Фермернинг техникаси етарли бўлмаса, турли қийинчиликларга дуч келиши тайин. Биз фермерларга яратилган яна бир имконият, яъни лизинг хизматидан фойдаланиб, битта чопиқ трактори сотиб олдик. Ҳозир барча турдаги техникаларимиз бор.

Мутахассислиги иқтисодчи бўлган Р. Хайруллаев бу ерларнинг баланд-пастини яхши биларди. Шунинг учун ўтган йили яна 45 гектар ер қўшиб берилди.

Шу кунларда дала бошларига маҳаллий ўғит чиқариш, жумладан, барча турдаги зарур техника воситаларини созлаш ишлари қизғин бораяпти.



СУРАТДА: "Сайрамобод" фермер хўжалиги раҳбари Раҳимжон Хайруллаев.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА!

Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ходимлари фуқароларни енгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш, ёнғинга олиб келувчи сабабларнинг олдини олиш, тўсатдан чиққан олов офатга айланмаслиги учун ҳушёр бўлишга ундовчи тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришди.

Жумладан, уйни ёнғиндан сақлаш учун айрим кўрсатмаларга амал қилиш зарур. Уйдаги газ ва электр асбобларини назоратсиз қолдирмаслик лозим. Носоз ва қўлбола ускуналардан фойдаланиш, иситиш печи ва ўчоқларни ўт олдириш учун бензин, керосин, солярка каби тез аланга олувчи ёқилғилардан фойдаланиш фалокатга олиб келади.

Тилсиз ёвнинг олдини олиш учун ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан аҳоли ўртасида, таълим муассасаларида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Лекин ўзингиз ва яқинларингизни ўт балосидан сақлаш учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишингиз шарт.

Отабек АЛМЕНКУЛОВ, Тошкент шаҳар 12-ХЁХО инспектори.

Утерянное свидетельство о специализированной подготовке по медицине за СО № 003007, выданное ТашМИ в 1992 году на имя Фархад Мехди Сабри,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент политехника касб-ҳунар коллежи (Тошкент геология қидирув техникуми) томонидан 1999 йилда Караханова Дилафруз Алимджановна номига берилган № 351076 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2011 йил 13 апрель соат 15.00 да очиқ тендер ўтказилади.

1. Битта пакет билан:
ВХ-580 "Ўзбекистон ф/у – С. Раҳимов м.б. АШБ"
ВХ-588 "Олмазор қўрғони – С. Раҳимов м.б."
ВХ-501 й.т. "Мой қишлоғи – ТТЗ"
ВХ-512 й.т. "Ботаника маҳалласи – ТТЗ"
ВХ-531 й.т. "Туркистон ф/у – Мой қишлоғи"
2. Битта пакет билан:
ВХ-469 "С. Раҳимов ф/у – Чорсу савдо маркази"
ВХ-555 й.т. "Ғишт кўприк маҳалласи – Қуёшли улгуржи бозори"
ВХ-567 й.т. "Тошкент ф/у 2-бўлим – Чорсу савдо маркази"
3. Битта пакет билан:
ВХ-453 й.т. "Иттифоқ қ.ф.й. – Пахтакор АШБ"
ВХ-460 й.т. "Шоимкўприк маҳалласи – Ширин АШБ"
4. ШИ-10 й.т. "Дукент қўрғони – Саноатқалинқоғозсавдо ОАЖ"
5. ВХ-396 й.т. "Оҳангарон АШБ – Қўйлиқ АШБ"
6. ВХ-591 й.т. "Тўйтепа АББ – Тошкент (Офицерлар уйи)"
7. ВХ-454 й.т. "Иттифоқ маҳалласи – Жанубий вокзал АШБ"
8. ШИ-25 й.т. "5/2-кичик ноҳия – Аммофос ОАЖ" (Олмалиқ шаҳри)
9. ВХ-458 й.т. "Беруний ф/у – Қўйлиқ АШБ"
10. ШИ-14 "Аммофос ОАЖ – Тўқай – Жалоир маҳалласи"
11. ВХ-503 "Чирчиқ АББ – Товоқсой қишлоғи"
12. ВХ-508 "Чирчиқ АББ – Қоратухум қишлоғи" (Чирчиқ АББ томондан)
13. ВХ-518 "ЭХП – Озодбош қишлоғи" (ЭХП томондан)
14. ШИ-21 й.т. "ЎзКТЖМ – 3-кичик ноҳия"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги "Йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун тендерлар ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4/68-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)ининг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2011 йил 8 апрель соат 18.00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2011 йил 12 апрель соат 18.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислар зали. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 1. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-мавзеда жойлашган, яшаш майдони 41,38 кв.м.дан иборат бўлган 9-уй, 80-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи – 22 325 379 сўм. 2.Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 11-мавзеда жойлашган, яшаш майдони 29,87 кв.м.дан иборат бўлган 41-уй, 65-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи – 11 068 622 сўм. 3.Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 22-мавзеси, 49-уй ёнида жойлашган, майдони 18,15 кв.м.дан иборат бўлган гараж қўйилмоқда, бошланғич нархи – 1 245 934 сўм.

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 09.08.2010 йилдаги № 2-123/10-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган 2000 йилда и/ч., дав.бел. 10 U 366 АА бўлган "Газ-3110" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 7 504 550 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 14 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги кўчмас мулк воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 5 май куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2011 йил 31 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Чилонзор тумани СИБ томонидан 12.08.2008 йилдаги № 2-57-2008-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар "Шарқли Мелиса" жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 1994 йилда и/ч., дав.бел. М 47-25 бўлган "Форланд" русумли автотраспорт воситаси, бош. нархи – 9 315 535 сўм. 2. 1994 йилда и/ч., дав.бел. М 47-15 бўлган "Форд Транзит" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 10 106 492 сўм. 3. 1996 йилда и/ч., дав.бел. М 47-16 бўлган "Форд Транзит" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 11 467 122 сўм. 4. 1995 йилда и/ч., дав.бел. М 47-24 бўлган "Форд Транзит" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 458 253 сўм. 5. 1994 йилда и/ч., дав.бел. М 47-18 бўлган "Форд Транзит" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 10 026 457 сўм. 6. 1996 йилда и/ч., дав.бел. М 47-21 бўлган "Форд Транзит" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 11 923 322 сўм. 7. 1997 йилда и/ч., дав.бел. М 47-22 бўлган "Форд Транзит" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 12 389 917 сўм. 8. 1995 йилда и/ч., дав.бел. М 47-20 бўлган "Форд Транзит" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 814 930 сўм. 9. 1994 йилда и/ч., дав.бел. М 60-56 бўлган "Форд Транзит" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 8 840 155 сўм.

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 18.05.2010 йилдаги 10-1005/3385-сон ижро варақасига асосан АЖ "O'ZDASTGOHASBOBUSKUNASAVDO" корхонасига тегишли бўлган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, 7-берк кўчасида жойлашган, ум. ер майдони 13789 кв.м., ум. қурилиш майдони 4954 кв.м.дан иборат бўлган база бино ва иншооатлари қўйилмоқда, умумий бош. нархи – 1 275 405 200 сўм.

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 16.07.2007 йилдаги № 8430/6-сон ижро ҳужжатига асосан "Шайхонтоҳур инвест" жарима майдончасида сақланаётган, 1992 йилда и/ч., дав.бел. 30 D 4121 бўлган "Газ-31029" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 1 703 106 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 №000003.

ООО "ABS Finance" рег. № 003433-01 от 15.01.2010г. (ИНН 301445860) уведомляет о ликвидации общества (Решение принято единственным участником от 5 марта 2011 года).

Требования кредиторов принимаются в течение двух месяцев с даты публикации сообщения по адресу: г. Ташкент, Учтепинский район, Чиланзар-15, д. 17, кв. 3.

РИА "Tashkent Times" (ИНН 201753093), зарегистрированное решением хокима Учтепинского (быв. А. Икрамовский) района г. Ташкента № 446 от 02.05.1996 году, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления по тел.: 255-32-04.

"TEXNOLINK" шўъба корхонаси ўз фаолиятини тугатаётганлигини маълум қилади.

Даъво ва аризалар эълон чиқан кундан бошлаб икки ой давомида Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 100-уйда қабул қилинади.

ООО "ROAD PROSPERITY", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимята Мирзо-Улугбекского района г. Ташкента № 005826-04 от 28.06.2010г., (ИНН 301647704, ОКПО 23331900) в соответствии с приказом учредителя № 1 от 17.02.2011г., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течении двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, массив Буз-2, 30, 33. Тел.: 701-69-65.

"Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" давлат унитар корхонаси томонидан 2010 йил 18 январда Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Кичик Халқа йўли кўчасида жойлашган кўп қаватли туражжой биноси олдида жойлашган бекат мажмуаси, дўконга тегишли Мухсимов Зухриддин Хусанович номига берилган 9-24/2010 реестр рақамли кадастр ҳужжати ҳамда ТА 0895795, 11022-63-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 2006 йил 14 ноябрда № 002460-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SMART HEATING SYSTEMS" МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига такроран Чиноз тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 24.06.2010 йилдаги 2-42/2010-сонли ижро варақасига асосан ҳатланган қуйидаги мулклар қўйилмоқда: 1. Чиноз шаҳри марказида "Чиноз деҳқон бозори" рўпарасида жойлашган "Чиноз Наврўз Барака Сервиз" МЧЖга тегишли бўлган, 2 қаватли "Наврўз" тўйхонаси, комплекс мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 381 526 335 сўм. 2. Чиноз шаҳри марказида "Чиноз деҳқон бозори" рўпарасида жойлашган "Чиноз Наврўз Барака Сервиз" МЧЖга тегишли бўлган, "Наврўз" тўйхонаси, комплекс мажмуаси ичидаги асбоб-ускуналар, техникалар, қурилмалар ва ундаги мол-мулклар (кондиционер, телевизор, стол-стул, ишлаб чиқариш техникалари ва ҳ.к.). Бошланғич баҳоси – 122 063 920,20 сўм.

II. Аукцион савдосига такроран Юқоричирчиқ тумани СИБ томонидан ЖИБ Юқоричирчиқ тумани судининг 07.07.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан, Юқоричирчиқ тумани, Бордонқўл қ.ф.й, Болта қишлоғида жойлашган, бир қаватли, умумий ер майдони 1800 кв.м.дан иборат бўлган уй-жой қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 46 293 300 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 29 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Тузатиш: "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 05.03.2011 йилдаги 19-сонидаги РКМБ хабарномасининг I банди Бўстонлиқ тумани СИБ; III бандининг 64-қисми "Уаз-3151201" русумли д/р 11W7108, бошланғич баҳоси 1 035 530 сўм; 90-қисми "Газ-2401" русумли д/р 11F4630; Бўстонлиқ тумани Думалоқ қишлоғида сақланаётган "Газ-53А" русумли д/р 11N2280 деб ўқилсин. Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

ХХI аср ва ДУНЁ

ЛИВИЯ ИККИГА БЎЛИНДИ

Тунис ва Мисрдан сўнг Ливияда февраль ойининг ўрталарида бошланган фуқаролар уруши давом этаяпти.

Мамлакат амалда икки қисмга бўлиниб кетди. Пойтахт Триполи ва мамлакатнинг ғарбий қисми ҳамон Каддафи назорати остида. Марказий Бенгази билан шарқий қисм эса мухолифатчи кучлар тасарруфига ўтди. Бенгазида Миллий ўтиш кенгаши (МЎК) тузилди. Триполида эса МЎК иштирокчилари сотқин ва жосуслар деб аталмоқда. Каддафи МЎК раҳбари, собиқ вазир Мустафо Абдул Жалилнинг боши учун 500 минг динор (410 минг долларга яқин) мукофот белгилади.

МЎКни биринчи бўлиб Франция Ливиянинг қонуний ҳукумати деб тан олган эди. Бахрайн, Қатар, Қувайт, БАА, Омон, Саудия Арабистони аъзо бўлган Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши ҳам Каддафи тузумини ноқонуний деб ҳисобламоқда.

AFP агентлигининг маълум қилишича, Франция президенти Николя Саркози ва Буюк Британия бош вазири Дэвид Кэмерон Ливия етакчиси Муаммар Каддафини истеъфога чиқишга чақирдилар. Уларнинг Европа Иттифоқи президентига йўллаган биргаликдаги баённомаларида "Ливия халқининг азоб-уқубатларига чек қўйиш учун Муаммар Каддафи ва унинг тўдаси кетиши керак" дейилади.

НИГОҲ

ЭКСТРЕМИЗМ БАТУТИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)га аъзо мамлакатлар, айниқса, унинг Марказий Осиёлик аъзолари минтақани Афғонистон тарафдан хавф солаётган нохуш таъсирлардан муҳофаза қилиш учун зарур чораларни кўрмоқдалар. Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг биргаликда олиб бораётган ишлари қўпорувчилик ва экстремизм таҳдиди, гиёҳвандликнинг кенг тарқалишига қарши курашда яхши натижаларга эришиш имконини бераяпти. Лекин, афсуски, Тожикистон ҳақида бундай дейиш қийин.

ШҲТ мамлакатлари раҳбарларининг 2010 йил июнда бўлиб ўтган ўнинчи саммитида асосий эътибор миллий ва диний уюшмалар фаолияти кескинлашувининг олдини олишга қаратилган қатор чора-тадбирлар муҳокамасига бағишланди. Бу масалада Қирғизистон воқеалари жиддий ишора бўлди. Республикада анчагина шакланиб қолган ва муваққат ҳукуматнинг бутунлай бепарволиги билан ўз ҳолига ташлаб қўйилган ўта хавфли кучларни сув бетига чиқарди.

Йигирма йиллик мустақиллик даврида ҳам фуқаролар уруши харобаларидан бош кўтара олмаган Тожикистонда шундай кучлар йўқ эмас. Улар фақат диний-экстремистик йўналишда фаолият олиб боради. Тожикистонда мустақиллик шабадаси эса бошлаган кунлардаёқ виждон эркинлиги жорий этилганди. Бу, албатта, жамоатчилик орасида диний қатламга мансуб кишилардан иборат тарафдорлар орттириш учун қилинган иш эди. Бошида бу бироз самара ҳам берди-ю, аммо, кейин назоратдан чиқиб кетди. Диннинг давлатдан ажратилгани мавжуд турли диний оқим ва секталар устидан назоратнинг издан чиқишига олиб келди. "Диний кўп хотинлилик" мана ўн йиллардирки, Тожикистондаги мафкуравий муҳитни англатувчи иборага айланди.

Албатта, Душанбеда у ёки бу тарзда чора кўришга уринилаяпти. Аммо, бу саъй-ҳаракатлар асосий муаммони ҳал этиш учун етарли бўлмаган қандайдир ўзига хос характерга эга. Масалан, Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар диний экстремизм ва террорчилик каби воқеликларга оид қонунчилик асосларини шакллантириб бўлган бир пайтда Тожикистон ҳукумати ўзини гўё шундай қилаётгандек кўрсатди. Ваҳоланки, айнан Тожикистон беқарорликнинг маркази бўлган Афғонистон билан энг узун – 1334 километрли чегарага эга.

Республика раҳбарияти жоиз бўлган барча халқаро ташкилотларда иштирок этаяпти. Битим, протокол ва шартномаларни имзолаяпти. Умумий даврада жамоа бўлиб, бирлашиб ҳаракат қилиш ҳақида гап борганида хайрихоҳлик билдиради. Амалда эса ҳаммаси аксинча. "Бу минтақанинг ҳамфикр ва дўстона иштирокчиси эмас, балки қандайдир, кўзга кўринмас сирли маъводир, – дейди сиёсатшунос Виктор Косарев. – Учрашувлар жараёнида имзоланадиган икки томонлама ва кўп томонлама ҳужжатлар бу ерда мутлақо қутилмаган йўсинда тушунилади ва ижро этилади".

Айтайлик, диний экстремизм оқибатларининг олдини олиш аниқ нўқтага қаратилган бўлиб, замирида фақат сиёсий мақсад ётади. Тожикистоннинг махсус хизмат органлари бунинг ўрнига улар учун номақбул кишиларга қарши шафқатсиз курашади. Бирлашган Тожикистон мухолифатининг собиқ етакчилари, Ислом уйғониш партияси аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчилар, ҳуллас, Имомали Раҳмоннинг жабр-зулмга асосланган тузумидан норозиларнинг барчаси гўё кучли экстремистлар. Экстремизмнинг юридик тавсифи шунчалик чўзилган ва мубҳамки, бу ҳол мухолифатнинг жамоатчилик ишига бироз бўлса-да, жалб этилган ҳар қандай кишини жавобгарликка тортиш имкониятини беради.

Марҳум Саид Абдулло Нурийни экстремистликда айблашга кўп бор уриниб кўришди. Бир умр қамоқ жазосига ҳукм қилинган Маҳмадрўзи Искандаров ва унинг сафдошлари, диний экстремизмда айбланиб, республика турмасига ташланган яна қанчадан-қанча кишилар тожикча адолатнинг ялангоч тимсолидир.

Кимдир буни суднинг хатоси, дейиши мумкин. Йўқ. Бу – аниқ мақсадга қаратилган иш, жамият учун эмас, балки ҳукумат тепасида турганлар учун хавфли бўлган кишилардан халос бўлишнинг қулай ниқобидир. Аслида эса, республика Жиноят кодексининг экстремизмга оид моддасига айнан мос тушадиган ҳақиқий қаҳрамонлар бутун мамлакат бўйлаб ёшларни ўз сафларига тортмоқдалар. Шуниси қизиқки, улар буни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан яшираётганлари ҳам йўқ.

Бугунги кунда "Ҳизб-ут-Таҳрир" сафдошлари 15 минг кишига, уларга хайрихоҳлар эса 50 мингга етди. Лагерлардан шундай хабарлар борки, афғон мутахассислари ёшларни «қаҳрамонона» ҳаракатларга тайёрлашмоқда. Ташкилот фаоллари кўпайиб бораяпти. "Ҳизб-ут-Таҳрир"нинг тожик тилида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот сайтига Тожикистоннинг исталган нуқтасидан ҳеч қандай тўсиқсиз кириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Тожикистонда ҳукм сураётган қашшоқлик ва очлик "Ҳизб-ут-Таҳрир" сафларига ёшларни оммавий жалб этишга ёрдам бераяпти.

Ўнинчи саммит чоғида Имомали Раҳмон ШҲТ мамлакатлари етакчилари билан учрашди. Тожикистоннинг ушбу ташкилотдаги иштироки ҳеч қандай самара бермаётгани бир неча бор тушунтирилди. ШҲТ битимларини ратификация қилган мамлакат ҳеч бўлмаса, ўзининг афғон йўналишидаги "хавфсизлик ёстиғи" вазифасини бажариши лозим. Бунинг ўрнига Тожикистон раҳбарларининг мубҳам нуқтаи назарлари тангликни баттар кучайтириб, "хавфсизлик ёстиғи"ни "экстремизм батути"га айлантирмоқда. Тожикистонда эркин ҳаракат қилаётган ғараз ниятли кишилар ушбу батутдан фойдаланиб, ҳоҳлаган жойларига бургадек сакраб ўтишлари мумкин.

Вадим НЕРЕХОВ.
tajmigrant.com.

ЯМАНДА ТАРТИБСИЗЛИК КУЧАЙМОҚДА

Яман ҳукумати билан мухолифатчилар ўртасидаги қарама-қаршиликлар зўрайиб бораётгани боис ГФР Ташқи ишлар вазирлиги бу мамлакатдаги немисларга араб юртини тарк этишни маслаҳат берди.

Вазирликнинг ҳисоб-китобича, ҳозир араб дунёсидаги энг камбағал бу мамлакатда 250 мингга яқин немислар истиқомат қилади. ГФРнинг Санадаги элчихонасини эвакуация қилиш ҳақида эса ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ.

Тунис ва Мисрда амалдаги тузум ўзгаришига олиб келган халқ ғалаёнлари туфайли Ямандаги аҳвол ҳам февралда беқарор тус олган эди. Сиёсий таназзул авж олиб кетишининг олдини олиш мақсадида мамлакат президенти Али Абдулла Солиҳ навбатдаги сайловларда ўз номзодини қўймасликни ва кенг кўламда конституциявий ислоҳотлар ўтказишни ваъда қилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 14.03.2007 йилда № 002727-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 300343815) "NAJAX-SIFAT QURILISH" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ОАТБ "Ўктамбанк"ка тегишли қатъий ҳисобда турувчи 0402005-шаклли бланк 0104275-280 (6), 0104247-0104248 (2), 0104255-0104259 (5), 0031536-540 (5), 0031497, 0031500, 0030849, 0030853-0030860 (8), 0031440 рақамли жами 30 дона бланклар Миробод туманиТЭТ назоратчиси томонидан йўқотилганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"ZIYO-ZAMIR-MEBEL" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади. Тел.: 228-69-89.

"BIRJA SERVIS TEXMASH" масъулияти чекланган жамиятининг бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Сергели туманидаги 104-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2004-2005 ўқув йилида Юнусов Сардор Абдурахманович номига берилган O'R-SH № 0192800 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный аттестат AN № 512842, выданный в 1991 году школой № 121 Мирзо Улугбекского района г. Ташкента на имя Рогожина Алексея Владимировича,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянную круглую печать, угловой штамп, гувохнома № 01-05603 (рег. № 0107139), выданный Учтепинским хокимиятом г. Ташкента на имя Камаловой Дилфузы Ходжиакбаровны,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 2007 йил 23 июлда № 001717-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган (ИНН 300518255, ОКОНХ 90310) "ALVON BIZNES" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгарганлигини эълон қиладди.

Собир Раҳимов туман ҳокимияти ТСРЎИ томонидан 2010 йил 30 июнда № 002325-05 реестр рақам билан рўйхатга олинган "LAZZAT-MUROD" хусусий корхонасининг гувоҳномаси ҳамда устави йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Зангиота тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан 2005 йилда рўйхатга олинган (ИНН 201164351) "OBI-RAVON" МЧЖга тегишли 677 рақамли, № 0000693 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«КАМОЛОТ МАЛИКАСИ»

ШОҲСУПАДА КИЧИК РАКЕТКА УСТАЛАРИ

Стол тенниси шундай спорт турики, у ёш ўғил-қизларни ўзига мафтун этиб, доимо жиддий, изчил шуғулланишга чорлаб туради. Айниқса, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида болалар спортига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, спортнинг оммавий турлари бўйича барча қулай шарт-шароитларга эга иншоотлар қурила бошлангач, стол тенниси ҳам ёшларнинг энг севимли спорт турларидан бири сифатида кенг қулоч ёйди. Бугунги кунга келиб, ҳатто, ёш профессионал стол теннисчилари сафи ҳам анча кенгайди.

Таъкидлаш жоизки, "Камолот маликаси" анъанавий мусобақаларининг ўтказилаётгани ҳам айни шу спорт турининг кенг оммалашувига замин яратмоқда. Хусусан, Юқоричирчиқ туманидаги 19-умумтаълим мактабида "Камолот маликаси" анъанавий вилоят турнирининг навбатдагиси стол теннриси бўйича ўтказилгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Турнирда 1993-1996 йилларда туғилган қизлар иштирок этишди. Мусобақа ташкилотчилари – вилоят хотин-қизлар қўмитаси "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши, халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими ёш теннисчи қизлар учун барча қулайликларни яратиб бердилар.

Иштирокчиларнинг аксарияти аввал ҳам кўпгина йирик мусобақаларда қатнашиб, маҳорат ва тажрибаларини оширган стол теннисчиларидир. Шу боис, ғолиблик учун кураш қизғин ва муросасиз кечди. Зеро, спортда енгил ғалабанинг ўзи бўлмайди.

Кечгача давом этган беллашувлардан сўнг энг маҳоратли стол теннисчиларининг номлари маълум бўлди. 1993-1994 йилларда туғилган қизлардан юқоричирчиқлик Ольга Ким ва ангренлик Зоя Ким, 1995-1996 йилги қизлардан Юқоричирчиқ вакиллари Нурсулув Имомбоева ва Регина Ким турнир ғолиблигини қўлга киритдилар. Уларга қимматбаҳо эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ўз мухбиримиз.

СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ФУТБОЛ: МУАММО ВА ЕЧИМ

Мамлакатимизда ёш авлод ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш, шу орқали соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида профессионал футбол клублари қошидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини ривожлантириш, айниқса, футболчиларга малакали тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш ниҳоятда муҳимлигини таъкидлади.

МАЛАКАЛИ МУОЛАЖА – ЯРИМ ҒАЛАБА

Дунё тажрибасидан маълумки, спортда малакали тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантирмай туриб, профессионал спортчиларни тарбиялаб бўлмайди. Шу боис, футболимизни юксалтириш баробарида малакали тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этишга эҳтиёж кучайиб бормоқда.

Ўзбекистон Футбол федерацияси қошидаги республика Спорт маҳоратини ошириш олий мактабида катта имкониятларга эга бўлган замонавий тиббий хизмат кенг йўлга қўйилди. Бунинг учун Федерация қошидаги "Футбол МЕД" шўъба корхонаси жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган тиббий ускуналар билан мукаммал жиҳозланди.

– Бизда 7 ёшли болалардан бошлаб, профессионал спортчиларгача малакали тиббий хизмат кўрсатилади, – дейди шўъба корхона бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Муаззам Мелиева. – Дастлаб спортчилар чуқур тиббий кўрикдан ўтказилади. Масалан, замонавий технология асосидаги гемоанализатор 19 кўрсаткич бўйича қон таркибини аниқлаб берса, велоэргометрик кардиалоб орқали спортчининг жисмоний ҳолати, юраги текширилади. Лазеротерапия ёрдамида эса қисқа фурсат ичида ҳар қандай сурункали касалликларни даволаш имконияти бор. Бу ноёб даволаш технологиялари республикамизда фақат биз-нинг тиббий марказимизда жорий этилгани эътиборга олинса, муолажаларимиз қанчалик ноёб ва самарали эканлигини англаш қийин эмас.

"Футбол МЕД" шўъба корхонасида физиотерапия, ультратовуш, психофизиология кабинетлари ҳам энг замонавий ташхисдаволаш ускуналари билан жиҳозланган. Улар орасида психофизиологик муолажа бизни, айниқса, ҳайратга солди. У орқали спортчининг руҳий ҳолати кузатилади. "Хўш, керакли фурсатда футболчи қандай қарор қабул қилади?" "Тўпни рақибларини алдаб олиб ўтишга ишончи комилми ёки шерикларига ошириб берадими?" Шу каби руҳий муолажалар футболчиларда ўзларига ишончни кучайтиради.

Ташхис-даволаш ишларини малакали шифокорлар олиб боришади. Бу жараён орқали мураббий футболчини лаёқатига кўра танлаб олиш имконига эга бўлади.

– Шифохона хизматидан мамнунмиз, – дейди "Навбаҳор" футбол жамоаси менежери Ғанишер Исмоилов. – Авваллари футболда тиббий хизматга унчалик эътибор қаратилмас эди. Футболчининг руҳий, жисмоний ҳолатига ҳеч кимни қизиқтирмасди. Европа футболида эса, ҳар бир спортчи тиббиёт ходимларининг доимий назоратида бўлади. Унинг соғлиғи, руҳий ҳолати шифокорни бефарқ қолдирмайди. Шу боис, ҳар бир футболчи майдонда ишонч билан, эркин ҳаракат қилади. Бугунги кунда республикамиз футбол клубларида, айниқса, болалар футболида тиббий хизмат алоҳида ўрин эгалламоқда. Бундай тиббий хизматни вилоятларда ҳам кенг йўлга қўйиш керак. Шунда ҳам катталар, ҳам болалар футболи янада ривожланади.

Лўнда қилиб айтганда, бугун Ўзбекистон Футбол федерацияси қошидаги спорт маҳоратини ошириш олий мактабида ташкил этилган барча қулайликлар малакали ёш футболчиларни тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда ХХ футбол чемпионати бошланди. Бекободнинг "Металлург" ва Олмалиқнинг "ОКМК" жамоалари олий табақада вилоятимиз шарафини ҳимоя қилади. Барча ўйинчилар футбол майдонларига чиқиш арафасида "Футбол МЕД" шифокорлари кўригидан ўтишди. Мураббийлар футболчиларни ўйин чизиқларига жойлаштиришда уларнинг тавсияларини алоҳида эътиборга олишди.

Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ.

СУРАТДА: "Футбол МЕД" бош шифокори Муаззам Мелиева вилоят футбол жамоалари намоёндалари билан.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

НОНКЎРЛИК

Ўзи сув ичадиган қудуққа, туз тотиб турган тузлиғига тупуриш энг ёмон иллат ҳисобланади халқимизда. Тинч ва фаровон ҳаётимизни кўра олмайдиган экстремист ҳамда террорчиларнинг қутқусига учиб, жиноят содир этаётганлар афсуски, ҳамон топилади. Қибрай туманидаги Чинобод қишлоғида яшовчи 13 шахснинг тил бириктириб қилган жиноятлари ақли бутун одамнинг ғазабини қўзғатмай иложи йўқ.

Обиджон Эшманов, Камолжон Асилов, Бахтиёр Пўлатов, Бахтиёр Расулматов, Абдурасул Халилов, Фарҳод Тоҳиров, Ҳусан Файзуллаев, Файзулла Раҳимов, Отабек Йўлдошев, Дониёр Саидов, Анвар Кўканбоев, Қутлуғбек Абдуғафуров ва Шуҳрат Мирфайзиев 2007-2010 йиллар давомида бузғунчи мақсадлар билан ҳаракат қилиб келишди. Улар муқаддас ислом динини ниқоб қилиб, Баҳром Соипов бошчилигида диний экстремистик, сепаристик, фундаменталистик "Жиҳодчилар" жамоасини тузиб, фаолият юритиб келишди. Улар Чинободдаги "Машарип ота" масжидининг қоровулхонасида ҳамда масжидда мунтазам йиғилишиб, яширин ноқонуний таълим олиб келишди. Жамоа раҳбари Баҳром Соипов маърузалар ўқиб, аъзоларини "жиҳод" қилиш, "Ислом халифалик" давлатини қуриш, "Ҳижрат" қилиш каби ишларга даъват қилиб келди. Уларнинг айримлари эса Қибрай тумани Салар шаҳарчасидаги "Абдулла Ҳожи ота" жомеъ масжидида, яна баъзиси Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги масжид олдида норасмий йиғилиб, "салафийлар" оқимига даъват қилиб келишган. Улар экстремистик руҳ билан йўғрилган диск ва китобларни ҳам ўзаро айрибошлаб, жиноий фаолиятда бир-бирларини қўллаб-қувватлаб туришди. Баҳром Соипов йиғинларда уларга қозоғистонлик салафийлик оқимининг раҳнамоси бўлган Ринат домланинг маърузалари ёзилган дисклар бериб, унга эргашишга чақирарди.

Хўш, ўзи эшитган пуч хаёлларга бошқаларни ҳам ишонтиришга уриниб, натижада бир қанча ёшларни жувонмарг қилган Баҳром Соипов ким эди? У Кўкча мавзесида қайнотаси бошчилигидаги уюшма аъзоларини милиция ходимлари томонидан қўлга олинишидаги отишмада қатнашган бир шахс эди. Отишмада унинг қайнотаси ва қайин укаси ҳалок бўлгач, милиция ходимларига 2-3 ўқ отиб, қочишга муваффақ бўлди. Унинг устидан қидирув эълон қилишгач, судланувчи Азиз Абдуллахўжаевнинг уйида яшириниб юрди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларига қурол ўқталишдек манфур ишдан ор қилмаган Баҳром Соиповнинг тинчлик дини бўлган исломни ниқоб қилиб, юксак туйғулар ҳақида ваъз ўқиши ҳеч қандай маънавий меъёрларга тўғри келмаса керак, назаримизда.

Судланувчилар судда ўз айбларига қисман иқрор бўлишди. Уларга 4 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари белгиланди. Қидирув эълон қилинган Баҳром Соиповни яширишда жиноят қуролига айланган "Дамас" русумли автомашина давлат ҳисобига мусодара қилинди.

Шунингдек, Баҳром Соипов яшириниб юрган, Қибрай туманидаги битта уй ва қурилиши битмаган иккита ҳовли ҳам жиноят қуроли деб топилиб, давлат эгалигига ўтказилди. Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади, деб шундайларга нисбатан айтилган бўлса керак...

Карим МАТНАЗАРОВ.

ЙИГИТЛАР МУСОБАҚАГА ШАЙ

Юқоричирчиқ туманида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳарбий хизматга тайёрлаш мақсадида ўтказилаётган "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақасининг бу йилги туман босқичи "Жасорат" гуруҳи йигитлари учун омадли бўлди.

"Камолот" ЁИҲ, ИИБ, "Ватанпарвар" ташкилотлари ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси ҳамкорликда ташкил этган мусобақада улар нафақат жисмоний тайёргарлик, балки мерганлик, матонат, ҳатто, ҳарбий саф қўшиқларини ижро этишда ҳам тумандаги бошқа рақобатдош жамоалардан устунликларини намоён этишди.

Кейинги босқичга йўлланма олган "Жасорат" жамоаси "Шунқорлар" мусобақасининг яқин кунларда ўтказиладиган вилоят босқичида туман ёшлари шарафини ҳимоя қилишади.

Отабек САИДОВ.

ОАТБ "Ўктамбанк"кА тегишли қатъий ҳисобда турувчи 0402005-шаклли бланк 0015715-720 (6), 0015961-966 (6), 0153805, 0039138-140 (3), 0039142-160 (19), 0039344, 0037953-959 (7), 0008256-260 (5), 0008661-677 (17), 0070853-860 (8), 0042541-542 (2), 0042589-600 (12), 0042941, 0106092-093 (2), 0106096-098 (3), 0106101-120 (20), 0024085-089 (5), 0024169-170 (2), 0105961, 0093402, 0013892, 0013980, 0150641, 0150668, 0080616, 0080632, 0068498, 0068505, 0068651, 0068655, 0068657, 0068659-660 (2), 0082100, 0082161, 0082241, 0011022, 0011135, 0011155, 0168831, 0169421-440 (20), 0169516, 0169520 жами 163 дона бланклар йўқотилганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

МУҚОВАДАГИ МАЪНАВИЙ ТАҲДИД

Фарзанди мактаб ёки коллежда ўқийдиган ҳеч бир ота-она йўқки, дафтар-қоғоз сотиб олиш муаммосига дуч келмаган бўлсин. Лекин дўкон ва бозорларда сотилаётган ҳамма дафтарлар ҳам миллий-маънавий қадриятларимизга жавоб беради, деб бўлмайди. Муқовасида ярим-яланғоч қизлар ва мурғак қалблар руҳиятига салбий таъсир этувчи беўхшов турли шакл-шамойиллар тасвирланган дафтар, кундалик ва расм альбомлари бугун ҳар бир ўзбекистонлик хонадонига кириб борди, десак муболаға бўлмайди. "Нега бундай босма маҳсулотларни сотиб оляпмиз", деб сўрасангиз, жавоб ҳам тайин: "Чунки ўзимизда ишлаб чиқарилмайди. Бори ҳам сифатсиз, дидсиз тайёрланган".

Дарҳақиқат, биз учун арзимас бўлиб туюлган дафтар-китобларнинг сифати фарзандларимизнинг нафақат руҳий-маънавий, балки, жисмоний соғлигига ҳам жиддий путур етказмоқда. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, мазкур босма маҳсулотлар давлат таълим стандартлари ҳамда санитария-гигиена меъёрлари (СанПин) талабларига жавоб бермагани сабабли мактаб ўқувчиларининг кўриш қобилиятига таъсир кўрсатаётгани ҳақида ота-оналардан шикоятлар тушмоқда. Аксарият дафтарлар стандарт меъёрларига кўра, газета қоғозларидан тайёрланмоқда. Улар атайлаб мактаб дафтарлари ҳажмида, катакли ва тўғри чизиқли ҳамда қизил ҳошия чизиқлари билан чоп этилгани сабабли аҳоли адашиб сотиб олмоқда. Нафақат ўзимизда ишлаб чиқарилган, балки хориждан, асосан Хитойдан келтирилаётган ёзув дафтарлари ҳам юқорида зикр этилган талабларга жавоб бермайди. Бундай товарларни мамлакатимизга олиб ўтаётган "тадбиркор"лар ҳам фақат фойда ва тез сотишни ўйлаб, хориждан энг арзон, аммо сифатсиз маҳсулотларни келтиришаётгани ҳеч кимга сир эмас. Аммо бундай тартибсизликка чек қўйиш вақти келди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида босмахоналар, республика Божхона ва солиқ қўмиталари, Соғлиқни сақлаш вазирлари ходимлари ҳамда босма оммавий нашрларнинг вакиллари иштирокида ўтказилган матбуот брифингида шу муаммо ва уни ҳал этиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Брифингда таъкидланишича, ташқаридан халқимиз миллий маънавиятига зид турли ёзув дафтарлари кириб келишининг олдини олиш, республика истеъмол бозорини, шу жумладан, таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларини миллий маънавиятимиз ва қадриятларимизга мос сифатли ёзув дафтарлари билан таъминлаш ишларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмол бозорини ёзув дафтарлари билан таъминлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган.

Шу билан бирга соҳанинг айнан шу йўналишидаги полиграфия корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида республика Президентининг "Республика истеъмол бозорини мактаб анжомларининг айрим турлари билан тўлдириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Энг муҳими, миллий бозоримизни такомиллаштириш мақсадида юқоридаги қарорга кўра, 2010-2014 йиллар даврида полиграфия фаолияти билан шуғулланаётган юридик шахслар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган мактаб дафтарлари, кундалик ҳамда расм альбомлари тайёрлашда фойдаланиладиган технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва қоғоз хом ашёсини республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилишда божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилди.

Бу қарор ёзув дафтарлари тайёрлаётган тадбиркорлар учун давлат яратиб берган имтиёзлардан бири сифатида эътироф этилди. Айни пайтда мамлакатга хориждан ностандарт маҳсулотларнинг кириб келишига қарши қатъий чоралар кўрила бошланди.

Шунингдек, агентлик тизимидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари дизайнерлари томонидан тасдиқланган ёзув, расм дафтарлари муқовалари ҳамда Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган кундалик дафтарлари намунаси асосида ёзув дафтарлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Таъкидлаш керакки, миллий стандартларимизга жавоб берадиган дафтарлар ишлаб чиқариш учун ички имкониятлар етарли.

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Бадиий академияси бадиий кўргазмалар дирекцияси марказий кўргазмалар залида ижодкор аёл ва қизларимизнинг асарларидан ижодий "гулдаста" тайёрлаб, 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган анъанавий "Баҳор вернисажи" кўргазмасини томошабинлар эътиборига ҳавола этди.

БАҲОР ВЕРНИСАЖИ

Кўргазмада ўтган йилгилардан фарқли ўлароқ фақат аёл рассомлар қатнашдилар. Экспозициялардан Римма Гаглоева, Вера Негаева, Галина Ли, Татьяна ва Мария Лилар, Искра Шин, Нодира Орипова каби таниқли рассом аёллар ва Арина Ҳандамян каби истеъдодли ёш рассомларнинг ранг-тасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва амалий санъат асарлари ўрин олди. Улар ўзларининг энг янги, олам гўзалликларини мужассам эта олган сара асарларини томошабинларга тақдим этганлар.

Асарлар орасида гўзаллик, софлик, муҳаббат ва инсонга хос деярли барча хислатлар рамзи бўлмиш турли-туман гуллар тасвири, юртимизнинг ширин-шакар мевалари тасвирланган натюрмортлар, бир-биридан гўзал йил фасллари, меъморий ёдгорликлар, тарихга айланаётган гўзал табиатимиз билан уйғунлашган эски кўчалар ва бошқа миллий қадриятларимиз тасвирланган асарларни учратишимиз мумкин. Тошкент вилоятининг Бурчмулла, Сўқоқ, Оқтош ва бошқа гўзал масканларининг рассомлар И. Шин, Р. Гаглоева, Г. Цингалова меҳр билан чизган бетакрор табиат тасвирлари киши эътиборини ўзига тортади.

Рассом Дилором Мамедова билан суҳбатлашганимизда, Тошкент шаҳридан Чирчиқ-Бўстонлиқ томонга чиқишдаги табиат манзараси "Баҳор келди" асари, Бўстонлиққа кириверишдаги гўзал манзара эса "Январь куни" асарининг яратилишига сабаб бўлганини айтди.

Рассом Гулнора Раҳмонованинг "Болаликни соғиниш", "Тун маликаси", "Композиция" асарларида сўфизм (тасаввуф), ҳаёт фалсафаси, лирик кечинмаларни кузатсак, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти биринчи курс талабаси Ойзода Жуманиёз "Бизга кўринмас ҳаёт" сериясидаги асарларида маънавий олам ва ҳаёт тарзимизнинг ҳали кам ўрганилган айрим қирраларини тасвирланганини кўрамиз.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Ҳадеб дори ичгандан кўра

- Ошқозон оғриганда, кунига наҳорда ва ётиш олдидан бир ош қошиқ зайтун мойи ичиш тавсия этилади.
- Жисмоний машқлар орасида инсон саломатлигига энг фойдалиси югуришдир. Велосипед ҳайдашнинг ҳам жисмоний чиниқишга фойдаси бор, лекин велосипед бошқаришда оёқ ҳаракати билан нафас олиш ўртасида мутаносибликнинг бузилиши боис, ўпкага меъёридан ортиқ ҳаво киради.
- Бош оғриганда бош терисини собур (алоэ) барги шираси билан намлаб туринг. Ушбу муолажани ҳар куни дам олиш соатларида бажарсангиз ҳам бўлади.
- Қаттиқ шамоллаганингизда лимон ёки асал чой ичиб, ўралиб ётиб, терласангиз шифо топасиз.
- Тухумни бутун ҳолатда пиширишдан ёки илитишдан олдин унинг устки қавзоғини илиқ сувда яхшилаб ювиш лозим, чунки қавзоқ устида турли касаллик микроблари бўлиши мумкин.

РАССОМ ХАНДАСИ

Изоҳга ҳожат йўқ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Ирода НОРБОЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-340. Адади 16011. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.45. 1234